

ҚОВУННИНГ СЕРҲОСИЛ, МЕВА СИФАТИ ЮҚОРИ ВА ЭКСПОРТБОП НАВЛАР СЕЛЕКЦИЯСИ УЧУН ДАСТЛАБКИ МАНБА АЖРАТИШ

Хакимов Рафиқжон Абдунабиевич, қ.х.ф.н.

<https://orcid.org/0009-0004-6760-2644>

Камилов Муроджон Муқумжонович, қ.х.ф.ф.д.

<https://orcid.org/0009-0006-9445-4485>

Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий тадқиқот институти

Аннотация. Мазкур тадқиқотда қовуннинг серҳосил, мева сифати юқори ҳамда экспорт талабларига жавоб берувчи навларини яратиш учун дастлабки селекция манбалари аниқланган. Тадқиқотлар Андижон вилоятининг тупроқ-иқлим шароитида олиб борилиб, маҳаллий навлар ва хорижий дурагайлар морфо-биологик ҳамда қимматли хўжалик белгилари бўйича комплекс баҳоланди. Олинган натижаларга кўра, эртапишарлик, ҳосилдорлик ва мева сифати бўйича истиқболли нав ва дурагайлар ажратиш олиниб, селекция ишлари учун тавсия этилди.

Калит сўзлар: қовун, селекция, нав, линия, дурагай, танлов, ҳосилдорлик.

Аннотация. В данной работе определены исходные селекционные материалы для создания высокоурожайных сортов дыни с высокими качественными показателями плодов и экспортным потенциалом. Исследования проведены в почвенно-климатических условиях Андижанской области с использованием местных сортов и зарубежных гибридов. Образцы были комплексно оценены по морфо-биологическим и хозяйственно ценным признакам. По результатам исследования выделены перспективные сорта и гибриды по скороспелости, урожайности и качеству плодов, рекомендованные для дальнейшей селекционной работы.

Ключевые слова: дыня, селекция, сорт, линия, гибрид, отбор, урожайность.

Abstract. This study identifies initial breeding materials for developing high-yielding melon varieties with superior fruit quality and export potential. The research was conducted under the soil and climatic conditions of the Andijan region, evaluating local varieties and foreign hybrids based on morphological, biological, and economically valuable traits. The results allowed the selection of promising genotypes distinguished by early maturity, high productivity, and improved fruit quality, which are recommended for further breeding programs.

Keywords: melon, breeding, variety, line, hybrid, selection, yield.

Кириш. Полиз экинлари дунёда 6,2 млн. гектар майдонга экилади ва 142,4 млн. тонна ҳосил етиштирилади. Қовун етиштириш бўйича дунёда Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Бразилия, Ўзбекистон давлатлари етакчи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитасининг берган маълумотларига қараганда, 2025 йилда жами 3299 минг тонна полиз етиштирилган. Мамлакатимизда энг кўп ишлаб чиқарувчи ҳудудлар - Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидир.

Тиббий маъёрларга кўра Ўзбекистонда ҳар бир киши кунига 270 грамм полиз маҳсулотларини истеъмол қилиши тавсия этилган. Қовун меваси таркибида 85-92сув, 8-15% куруқ модда, 0,8% оқсил, 1,8% клетчатка, 6,2% бошқа углеводлар, 0,9% мой, 20-30 мг/л аскорбин кислотаси, темир, кальций, магний, калий каби микроэлементлар, органик ва минерал тузлар мавжуд.

Қовун ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш учун ҳар бир ҳудудга мос, серҳосил, сифат кўрсаткичлари юқори, экспортбоп навларни яратиш талаб этилади.

Тадқиқот мақсади. Қовуннинг ҳосилдор, мевасининг сифат кўрсаткичлари юқори бўлган, маҳаллий ва ташқи бозор талабларига мос навини яратиш.

Материаллар ва услублар. “Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси” (2002); “Сабзавот, полиз ва картошқа экинларида тажрибалар ўтказиш услуби” (2023); “Методика полевого опыта” (1985); “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур” (2019). Маълумотларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов дисперсион услубида асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қовуннинг маҳаллий

Кичкинтой, Маҳаллий сариқ хандалак, Маҳаллий бўри калла, Зархал, Офтоб, Ифтихор, Суюнчи-2, Олтин водий, Олтин тепа, Зар гулоби навлари ва хорижий Дейра F1, Льюилла F1, Силвер Стар F1 дурагайлари хизмат қилди.

Тадқиқотлар Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институтининг Андижон илмий-тажриба станциясида олиб борилган.

Тадқиқотларимизда Ўзбекистон (Кичкинтой, Маҳаллий сариқ хандалак, Маҳаллий бўри калла, Зархал, Офтоб, Ифтихор, Суюнчи-2, Олтин водий, Олтин тепа, Зар гулоби), Франция (Льюилла F1), Голландия (Дейра F1) ва Жанубий Корея (Силвер Стар F1) давлатлари селекциясига мансуб бўлган қовуннинг 13 та маҳаллий нав ва хорижий дурагайлари асосий қимматли хўжалик белгилари бўйича ўрганилган.

Натижалар ва мунозара. Тажрибаларда қовун уруғлари апрел ойининг иккинчи ўн кунлигида очиқ майдонга экилди. Уруғлар экилгандан кейин дастлабки ниҳоллар (10%) 3-4 кунда, ёппасига (75%) эса 5-6 кунда униб чиқди.

Меваларни эрта пишиши Дейра F₁, Льюилла F₁, Силвер Стар F₁ дурагайларида 60-62 кунни ташкил қилди. Маҳаллий навлардан энг эрта Маҳаллий сариқ хандалак 70 кунда пишди. Қолган навлар 80-96 кунда, Зар гулоби нави эса 100 кунда пишди. Стандарт Кичкинтой навида бу кўрсаткич 80 кунга тенг бўлди. (1-жадвал)

Намуналарнинг биометрик кўрсаткичлари бўйича куйидаги натижалар олинди. Асосий поя узунлиги назорат Кичкинтой навида 153 см бўлган бўлса, ундан узун Офтоб, Ифтихор, Суюнчи-2, Олтин водий, Зар гулоби, Олтин тепа, Дейра Силвер Стар F₁ нав ва дурагайларида 180-230 см тенг бўлди. Қолган нав ва дурагайларида бу кўрсаткич стандарт Кичкинтой навидан паст бўлди.

Қовун нав ва дурагайлarning хўжалик белгилари кўрсаткичлари

Нав, дурагай	Меvанинг этилиши, кун	Меvанинг ўртача вазни, кг	Меvа индекси	Эрувчан қуруқ модда миқдори, %	Ҳосилдорлик, т/га
Кичкинтой (назорат).	80	1,2	0,9	13,8	19,5
Маҳаллий сариқ хандалак	70	1,8	1,1	12,5	15,6
Маҳаллий бўрикалла	80	2,5	1,2	13,5	25,4
Зархал	85	1,4	1,1	13,9	18,5
Офтоб	81	1,3	1,3	14,5	21,0
Ифтихор	87	1,5	1,2	14,2	22,5
Суюнчи-2	88	3,5	1,7	14,6	31,0
Олтин водий	95	4,0	1,8	14,5	27,1
Олтин тепа	96	4,5	1,9	14,7	27,5
Зар гулоби	100	5,0	1,6	14,7	41,0
Дейра F ₁	60	2,4	1,3	14,0	24,5
Льюилла F ₁	60	2,0	1,1	14,6	31,0
Силвер Стар F ₁	62	1,7	1,2	13,9	29,5

Ён поялар узунлиги назорат Кичкинтой навида 447 см бўлган бўлса, ундан юқори кўрсаткич Суюнчи-2 навида 770 см, Олтин водий 775 см, Олтин тепа 580 см, Зар гулоби 762 см, Дейра F₁ 504 см тенг бўлди. Қолган нав ва дурагайлarda назорат навидан паст бўлди.

Ён шохлар сони назорат Кичкинтой навида 5,2 дона бўлган бўлса, ундан ортиқ Льюилла F₁ 5,5 дона, Олтин водий 5,7 дона, Зар гулоби ва Дейра F₁ да 6 дона эканлиги кузатилди. Қолган нав ва дурагайлarda назорат навидан паст бўлди.

Меvанинг ўртача вазни бўйича барча нав ва дурагайлarda назорат Кичкинтой навидан (1,2 кг) юқори бўлиб, Маҳаллий сариқ хандалак 1,8 кг, Маҳаллий бўрикалла 2,5 кг, Суюнчи 3,5 кг, Олтин водий 4,0 кг, Олтин тепа 4,5 кг, Зар гулоби 5,0 кг, Дейра F₁ 2,4 кг, Льюилла F₁ 2,0 кг, Силвер Стар F₁ 1,7 кг тенг бўлди.

Меvа индекси меvа шаклини белгилайдиган кўрсаткич бўлиб, 1,0 шарсимон, 1,0 паст япалоқ, 1,0 дан юқори узун. Меvа индекси назорат Кичкинтой навида 0,9, Маҳаллий сариқ хандалакда 1,1, Маҳаллий бўрикалла 1,2, Зархал 1,1, Офтоб 1,3, Ифтихор 1,2, Суюнчи-2 1,7, Олтин водий 1,8, Олтин тепа 1,9, Зар гулоби 1,6, Дейра F₁ 1,3, Льюилла F₁ 1,1, Силвер Стар F₁ 1,2 га тенг бўлди.

Меvа этидаги эрувчан қуруқ модда миқдори назорат Кичкинтой навида ўртача 13,8% бўлган бўлса, ундан юқори Суюнчи-2, Офтоб, Ифтихор, Олтин водий, Олтин тепа, Зар гулоби, Дейра F₁, Льюилла F₁ нав ва дурагайлarda 14-14,5% ташкил қилди. Назоратдан паст кўрсаткичларни Маҳаллий сариқ хандалак, Маҳаллий бўрикалла, Зархал навларида

қайд этилди (1-жадвал).

Ҳосилдорлик бўйича энг юқори кўрсаткич кечпишар Зар гулоби навида бўлиб 41,0 т/га ташкил қилди. Ўртапишар гуруҳига кирувчи навлардан Суюнчи-2 нави ва Льюилла F₁ дурагайида 31,0 т/га, Олтин водий навида 27,1 т/га, Олтин тепада 27,5 т/га, Силвер Стар F₁ 29,5 т/га тенг бўлди. Назорат Кичкинтой навида бу кўрсаткич 19,5 т/га. Назорат навга нисбатан юқори кўрсаткичлар Маҳаллий бўрикалла 25,4 т/га, Офтоб 21,0 т/га, Ифтихор 22,5 т/га ва Дейра F₁ дурагайида 24,5 т/га қайд этилди.

Қовуннинг маҳаллий нав ва хорижий дурагай намуналари Андижон вилояти тупроқ-иқлим шароитида морфо-биологик ва қимматли хўжалик белгилари бўйича ҳар томонлама ўрганиш натижасида селекция учун эртапишарлик хусусиятлари бўйича истиқболли Маҳаллий сариқ хандалак нави ва Дейра F₁, Льюилла F₁, Силвер Стар F₁ хорижий дурагайлари, ҳосилдорлик бўйича кечпишар Зар гулоби, ўртапишар Суюнчи-2, Олтин водий, Олтин тепада навлари ва Льюилла F₁, Силвер Стар F₁ дурагайлари, эрувчан қуруқ модда миқдори бўйича Суюнчи 2, Офтоб, Ифтихор, Олтин водий, Олтин тепа, Зар гулоби, Дейра F₁, Льюилла F₁ нав ва дурагайлари тавсия этилади.

Эртапишарлик, юқори ҳосилдорлик ва сифат кўрсаткичлари бўйича Льюилла F₁ дурагайи ажралиб чиқди. Ушбу дурагайдан эртапишар, ҳосилдор ва сифат кўрсаткичлари юқори бўлган навлар селекцияси учун дастлабки манъба сифатида ишлар давом эттирилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Сабзавот, полиз ва картошка экинларида тажрибалар ўтказиш услуги. Тошкент, 2023.
2. Низомов Р.А., Хақимов Р.А., Мавлянова Р.Ф. ва бошқалар. Ўзбекистон полизчилиги. Тошкент, 2023.
3. Вейсал Арас, Буриев Х.Ч., Мавлянова Р.Ф. “Сабзавот экинлари дурагайлари яратиш ва уларнинг уруғчилиги” Тошкент, 2020.